САМАРҚАНД — БИЗ ШҲТНИ ТУЗИШДА АСОС ҚИЛИБ ОЛГАН БАҒРИКЕНГЛИК ВА ТУРЛИ ХАЛҚЛАРНИНГ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИГА ҲУРМАТ ТАМОЙИЛЛАРИ АСРЛАР ДАВОМИДА ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛГАН ЖОНЛИ НАМУНАДИР.

MILLIY QADRIYATLARGA TAYANGAN TARAQQIYOT!

№ 32 (1181) 2022 йил 21 сентябрь, чоршанба

«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

Milliy tiklanish

1995 йил 10 июндан чиқа боштаган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@umail.uz

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ!

БУ – ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ҮЛКАН ЮТУҒИ 2

БОШ ҚОМУСИМИЗ ХАЛҚЧИЛЛАШЯПТИ... 5

САМАРҚАНД САММИТИ

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ:

Бугун қабул қилинаётган ҳужжатлар ва қарорлар мамлакатларимиз ва халқларимиз тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш мақсадида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти янада изчил ривожланишига ҳамда Ташкилотимиз нуфузининг юксалишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

2
ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ САРИ
Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази ҳамда ЮНЕСКО ҳамкорлигида халқаро ўқув-семинар ташкил этилди.

6
ЮЛДУЗЛАР ВИКТОРИНАСИМИ ЁКИ ШОУ... БАЛКИ ФЕСТИВАЛДИР!
Хорижлик ижодкорларга қарийб 2 млрд. сўм хизмат ҳақи ва гонорар тўланган, қарийб 1,8 млрд. сўмлик авиабилетлар харид қилинган... Эссиз шунча пул...

7
НАЗИР ТЎРАҚУЛОВ КИМ ЭДИ?
СССР олий суди ҳарбий коллегияси ҳукми билан РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 1, 8 ва 11-қисмлари билан айбдор деб топилиб, отиб ўлдирилади. Ўшанда у 45 ёш эди.

2
САМАРҚАНД САММИТИ: «ЙИЛ ВОҚЕАСИ»

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧЛИ ОДИМ 3

6
ИЖОД ДЕНГИЗИДАГИ БИР ТОМЧИ...

Танловда 3 та ёш тоифаси: 6 ёшгача, 7-11 ёш, 12-18 ёшгача бўлган ёшлар учун яратилган китоб муаллифлари иштирок этиб, асосий ўринлардан ташқари «Энг яхши адабий-бадиий китоб» ва «Энг яхши илмий-оммабоп китоб» номинациялари бўйича ҳам муносиб рағбатлантирилди.

БОЛАЛАР ЎЛИМИГА БЕФАРҚ ҚАРАШ МУМКИНМИ? 5

МОРАТОРИЙГА ҚАРАМАЙ, «ТУЗАЛГАН»ГА ҲАМ, «ТУЗАЛМАГАН»ГА ҲАМ БИР ХИЛ РАҒБАТМИ? 4

ЭНДИ РЕКЛАМАЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА БЕРИЛИШИ ШАРТ!... 4

5
ЙЎҚ, У БЕГОНА ЭМАС!

2022 йил 21 сентябр сонига 1 АҚШ доллари 10950.46. 1 ЕВРО 10958.13. 1 Россия рубли 182.43. 1 Англия фунт стерлинги 12504.33. 1 Япония иенаси 76.21.

ISSN 2010-1114

МУНОСАБАТ

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЙДИ

Зафар АБДИРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Таҳлилчилар Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларда дунё аҳолисининг 50 фоизи истиқомат қилишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Майдони эса Евроосиё ҳудудининг 60 фоизига тенгдир. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши эса дунё кўрсаткичининг тўртдан бирини ташкил қилади. Бироқ ШҲТга аъзо давлатлар қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари, экспорт ва импорт қилувчилар бўлишига қарамай, ташкилот доирасида бу борада етарлича муаммолар борлиги қайд этилгани бежиз эмас. ШҲТ майдонида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ҳали ҳам жиддий ҳамжиҳатлик йўлга қўйилмаган. Умуман олганда, дунёдаги озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози ШҲТда бу йўналишда фаол ҳамкорлик қилишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашувдаги нутқида ушбу масалага барчанинг эътиборини қаратиб, ташкилотга аъзо давлатлар салоҳияти ички бозорларни бошқли экинлар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур ўғитлар билан мунтазам таъминлаш бўйича катта имкониятга эга эканини, шундан келиб чиқиб, ШҲТ бу борадаги муаммоларни глобал даражада ҳал қилишга ҳисса қўшиши лозимлигини қайд этиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва қайта ишлаш дастурларига тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантириш, юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун самарали логистикани йўлга қўйиш, "яшил" ва экспресс-йўлакларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратишга чақирилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, саммитда бу борада муҳокама қилинган масалаларнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги баёноти қабул қилинди. Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг "ақлли" қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси ҳамда ваколатли органлари ўртасида усимликлар карантини соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Албатта, давлатимиз раҳбарининг бу каби ташаббуслари нафақат Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида, балки дунёда тобора тақчил ва қимматлашиб бораётган озиқ-овқат билан боғлиқ глобал муаммони ҳал қилишга жуда катта ёрдам беради.

Зеро, бундай тузилмаларни ташкил қилиш, давлат раҳбарларининг юзма-юз мулоқотларини ўтказишдан кўзланган бош мақсад ҳам аввало барқарор тинчлик ва хотиржамликни қарор топтириш орқали дунё аҳолисининг фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

> Самарқанд шаҳри азалдан тарихий учрашувлар ва цивилизациялар мулоқоти манзили, маданий-гуманитар алоқалар, халқаро савдони ривожлантириш кўприги бўлиб келган

Чоршанба
21 сентябрь, 2022

САМАРҚАНД САММИТИ:

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ўз аҳамияти, нуфузи ва қабул қилинган ҳужжатлар қўлами бўйича нафақат Ўзбекистон, балки дунё тарихида ҳам ёрқин из қолдирган, жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган тарихий тадбир бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Бугунги мураккаб геосиёсий вазиятда, давлатлар ўртасида ўзаро ишонч дарз кетаётган, дунё миқёсида иқтисодий-ижтимоий муаммолар гирдоби тобора катталашаётган бир пайтда 14 та йирик давлат раҳбарини тадбирда иштирок этишга кўндириш ва саммитни юқори савияда ўтказиш, шубҳасиз, Президентимизнинг халқаро майдондаги обрўси, сиёсий иродаси, дипломатик самимияти ва кўп векторли ўзаро ишончга таянган очиқ ташқи сиёсатининг натижаси бўлди.

Бир қатор хориж нашрлари Президент Шавкат Мирзиёев ва ўзбек дипломатияси кўп йиллик машаққатли меҳнатнинг маҳсули сифатида Самарақандда ўзининг юлдузли онларини ўтказди, деб эътироф этгани ҳам бежиз эмас. Хусусан, Ҳиндистон бош вазири Нарендра Моди давлатимиз раҳбарига ҳеч қайси давлат қисқа муддат давомида бундай кучли Самарқанд бренди ва Самарқанд шукуҳини ярата олмаганини таъкидлаган бўлса, Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Ўзбекистон Президентининг сиёсатчиларни бирлаштириш, уларни ҳамкорликка чорлаш бўйича қобилиятини алоҳида эътироф этди.

Президентимиз томонидан ШҲТ доирасида ва икки томонлама музокаралар давомида яна бир қанча муҳим ташаббуслар ва ғоялар илгари сурилиб, амалий натижаларга эришилганини ҳамда қайд этиш жоиз. Жумладан, ШҲТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш, Термиз–Мозори Шариф-Кобул–Пешовар темир йўли коридорини барпо этиш, ШҲТ мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш, Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фондни ташкил этиш каби ташаббуслар барча давлат манфаатига мос бўлиши билан бирга, мамлакатлар тараққиёти йўлида минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш имконини ҳам беради, албатта.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Самарқанд руҳи билан асос солинган кўплаб тадбирлар, ташаббуслар келгусида ҳам Ўзбекистонни муҳим сиёсий майдонга айлантириб, ушбу руҳнинг бардавом бўлишини таъминлайди. Зеро, "Самарқанд руҳи" ўзаро ҳамжиҳатликка эришишга улкан ҳисса қўшгани юксак минбарларда эътироф этилмоқда.

Айниқса, Самарқанд бирдамлиги ташаббуси доирасида Самарқанд халқаро форуми, "Ўзбекистон–ШҲТ" саноат зонаси базасида махсус зоналар администрациялари раҳбарларининг биринчи учрашуви, ШҲТ биринчи транспорт форумини ўтказиш, Тошкент шаҳрида Минтақаларо ўзаро боғлиқлик марказининг ташкил қилиниши Ўзбекистонни халқаро аренадаги нуфузини ошиши билан бирга халқимиз манфаатига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, ШҲТнинг Самарқанд саммити якунларида давлатларнинг тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашиши ҳамда ўзаро тенглик, конструктив мулоқот, ишонч ва самимийлик асосида иш олиб бориши бугунги глобал муаммоларни ҳал этишда энг тўғри йўл эканлигини исботлади.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

БУ – ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ УЛКАН ЮТУҒИ

Мақсуд МУҲАММЕДОВ, партиянинг Бухоро вилояти Кенгаши раиси

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммити учун Самарқанднинг танланишида чуқур маъно бор. Чунки бу шаҳар азалдан тарихий учрашувлар ва цивилизациялар мулоқоти манзили, маданий-гуманитар алоқалар, халқаро савдони ривожлантириш кўприги бўлиб келган.

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган ва 2750 йиллик тарихга эга қадимий шаҳар Марказий Осиёнинг цивилизация маркази, Ғарб ва Шарқни боғловчи кўприк ҳамдир.

Маълумки, бугун глобал хавф-хатарлар ва муаммолар асосида юзага келган мураккаб шароитда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш энг бирламчи ҳаётий заруратга айланди. Бунда конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш билан замонамизнинг долзарб муаммоларини ҳамжиҳатликда ҳал этиш мумкин бўлади.

Президентимизнинг "Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" сарлавҳали мақоласида келтирилганидек, Самарқандда ШҲТ ҳаётининг янги босқичи бошланишига гувоҳ бўлдик. Ташкилотнинг таркиби кенгайиб, унинг келажак кун тартиби шакллана бошланди ва бунда чуқур рамзий маъно бор.

Шу ўринда Самарқанд саммити минтақада энг катта нуфузга эга 14 та давлат раҳбарларини пандемиядан сўнг илк бор бир стол атрофига йиғиб, ечимини кутаётган глобал муаммолар билан бирга ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишга имкон яратиб берди.

Қайд этиш жоизки, ушбу саммит дунёнинг қиёфаси, инсониятнинг ҳаёти учун хавф туғдираётган таҳдидлар, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, глобал иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари танқислигининг ортиши каби масалалар долзарблашиб бораётган бир пайтда манфаатли ҳамкорлик бўйича долзарб келишувлари билан тарихда қоладиган бўлди. Энг муҳими, умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна ҳам бўла олди, дейиш мумкин.

✔ Таълим

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ САРИ

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази ҳамда ЮНЕСКО ҳамкорлигида халқаро ўқув-семинар ташкил этилди.

«Инновацион педагогика» мавзусидаги мазкур семинарда таълимда ижобий ўзгаришлар ясашга оид методикалар хусусида батафсил сўз юритилди.

ЮНЕСКО ташкилоти Ўзбекистон ўқитувчиларининг малакасини ошириш лойиҳаси доирасида Президент таълим муассасалари агентлиги билан биргаликда ўқитувчиларнинг сифатли ўқитиш ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яхшилаш мақсадида инновацион педагогика бўйича зарур қўлланма яратмоқда ва ишлаб чиқмоқда.

Мазкур семинар давомида «Юксалиш йўлида 45 дақиқа» номли қўлланма тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу қўлланма чекка ҳудудларда замонавий педагогик ёндашувларни татбиқ қилиш, илғор тажрибалар ва дарс режаларини таклиф этиш орқали эҳтиёж туғилган XXI аср кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Ҳудудий илғор тренерларнинг амалий машғулотларда қатнашишлари ва янги педагогик кўникмаларга эга бўлиш салоҳиятини оширишни кўзда тутилган.

Семинарда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан юздан ортиқ маҳоратли тренерлар, ўқитувчилар, малака ошириш бўйича етакчи экспертлар иштирок этмоқда.

– Биз бир қатор Президент мактаблари ва ижод мактабларида тадқиқотлар олиб бордик, – деди Президент таълим муассасалари агентлигининг малака ошириш бўлими бошлиғи Наргиза Қўчқорова. – Ўқитувчиларни нималар ўйлантирмоқда? Бу масалани ҳам пухта ўргандик. Улар учун онлайн ва офлайн малака ошириш машғулотлари жорий этилмоқда. Лекин бугун замон, таълимга бўлган талаб шиддат билан ўзгармоқда. Ўқитувчи ўз дарси билан бирга ўз ўқувчисини ҳам мукаммал билмоғи керак. Бугунги семинаримизда илғор тажрибалар, инновацион педагогика технологияларига батафсил тўхталишимизнинг сабаби ҳам шунда.

Айтиш керакки, семинарда тақдимоти ўтказилган "Юксалиш йўлида 45 дақиқа» – инновацион педагогика бўйича қўлланма бўлиб, у XXI аср кўникмаларини ривожлантириш бўйича ўқитувчилар учун доимий ёндафтар бўлиб хизмат қилади.

Қўлланмадан кўзланган мақсад юртимизда ўқитувчиларни инновацион педагогика бўйича ўқитиш ва таълим сифатини оширишдан иборатдир. Мазкур қўлланмадан фойдаланиш орқали ҳар бир ўқитувчи ва маҳоратли тренерларнинг компетенцияларини ошириш кўзда тутилган.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА

Чоршанба
21 сентябрь, 2022 йил
№32 (1181)

> Самарқанд жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳали узоқ вақт эътироф этилади ва тарих саҳифаларидан мустаҳкам ўрин эгаллайди

МУНОСАБАТ

«ЙИЛ ВОҚЕАСИ»

ТАРИХИЙ ТАШАББУСЛАР САММИТИ

Ёрқин МАЛИКОВ, халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгаши депутати

Самарқанд саммити, шубҳасиз, Янги Ўзбекистоннинг янги имкониятларини ҳам намоён қилди. Олий даражадаги барча учрашувлар ниҳоятда юқори савияда, ишчанлик руҳида ўтганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Дунёнинг қарийб ярим аҳолиси истиқомат қиладиган мамлакатлар раҳбарлари минтақада тинчликни мустаҳкамлаш, иқтисодий-ижтимоий алоқаларни янада кенгайтириш бўйича ўзаро келишувларга эришдилар. Албатта, бунда ташкилотга раислик қилган Ўзбекистоннинг, хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг беқиёс роли бўлди.

Саммитда кенг кўламли масалаларнинг муҳокама қилингани ҳамда ғоятда муҳим қарорларнинг қабул қилингани ушбу тадбир нуфузини ҳар жиҳатдан ошириб юборди. Саммит доирасида имзоланган ҳужжатлар нафақат Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятининг ҳозирги йўналишларини, балки янги формат ва механизмларни ҳам белгилаб берди.

Айниқса, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқлик, саноат ва технологиялар кооперацияси, рақамли тараққиёт ва яшил энергетика борасида қабул қилинган концептуал дастурлар ташкилот фаолиятини ҳам мазмунан, ҳам шаклан янада бойитди, дейиш мумкин.

Самарқанд саммитининг яна бир муҳим жиҳати ШҲТ аъзоларини кўпайтириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилингани бўлди. Хусусан, ташкилотга аъзолик бўйича Эрон билан меморандум имзоланди, Беларусни тўлақонли аъзо сифатида қабул қилиш жараёнини бошлашга қарор қилинди, Баҳрайн, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Малдив ва Мянма мулоқот бўйича шерик мақомини олди. Яъни, Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилоти минтақавий ташкилотдан минтақалараро ҳамкорлик платформасига айланди.

Дмитрий АН, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати

Ишончим комилки, мазкур халқаро анжуманда эришилган келишувлар нафақат минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқади, шу билан бирга дунё миқёсидаги глобал муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этишга, инсониятни аҳилликда, бирдамликда яшашга ундайди.

Самарқанд саммити шу жиҳатлари билан ҳам жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳали узоқ вақт эътироф этилади ва тарих саҳифаларидан мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Самарқанд саммити ШҲТ ўз номи билан иқтисодий манфаатлар асосига қурилган тузилма эканини яна бир бора намоён қилди. Имзоланган ҳужжатлар ҳам асосан иқтисодий йўналишларда бўлганини таъкидлаш жоиз.

Қайд этилишича, Ўзбекистон биргина Хитой билан 15 млрд. долларлик келишувлар имзолади.

Бундан ташқари, Хитой, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг тегишли идоралари ўртасида "Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон" темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича ҳамкорлик битимининг имзолангани ҳам муҳим воқеа бўлди. Ушбу лойиҳанинг амалга ошиши бутун Марказий Осиё минтақасининг транспорт ва транзит салоҳиятини ошириб, магистраль Каспий денгизи портлари ва ундан кейин Европа билан боғланиш имконини беради.

Ўзбекистон – Эрон раҳбарлари ўртасида эса 18 та ҳужжат имзоланди. Бунда транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида эътиборга моликлигини таъкидлаш жоиз. Бу борада имзоланган ҳужжатнинг энг асосийси "Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон" йўли орқали автотранспортда юк ташишни йўлга қўйиш ва бунда "Чобаҳор" порти салоҳиятидан самарали фойдаланиш, юклар олиб кирилиши ва транзити шароитларини енгиллаштиришни назарда тутади.

Ўзбекистон – Россия ўртасида эса сиёсий, савдо-иқтисодий, атом энергетикаси, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация имзоланди. Шунингдек, Президентимизнинг Покистон бош вазири билан учрашувида Трансафғон темир йўли қурилишини тезлаштириш кераклиги, бу шубҳасиз, тўғридан-тўғри денгизга чиқиш имкони бўлмаган Ўзбекистонга жанубий ва шарқий йўналишларга чиқишига жуда катта имкониятлар очади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТга аъзо давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашувидаги нутқи барчанинг диққат-марказида бўлганини, Президентимиз бу гал ҳам нафақат ШҲТ доирасида, балки глобал аҳамиятга молик масалаларда кўплаб таклифларни ўртага ташлаганини айтиш жоиз.

Хусусан, ШҲТ доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари қўшимча форматларни таъсис этиш, маданиятлараро мулоқотнинг рақамли платформаларини ишга тушириш, ўзаро туристик оқимларни кўпайтириш, сайёҳлик соҳасида қўшма дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келгуси йилни ШҲТ маконида туризмни ривожлантириш йили, деб эълон қилиш бўйича билдирган таклифлари шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари нуқтида Марказий Осиё Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилотининг "географик ядроси" мақомини сақлаб қолиши кераклигига алоҳида ишонч билдирганини ҳам таъкидлаш жоиз. Албатта, бу ядронинг марказида эса, шубҳасиз, Ўзбекистон турибди. Шу маънода, саммит Евроосиёнинг улкан макони етакчиларини бир стол атрофига тўплаб, тарихий "Самарқанд руҳи" билан янги "Шанҳай руҳи"ни уйғунлаштира олди, десак муболаға бўлмайди.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧЛИ ОДИМ

Назир СОБИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Кейинги йилларда дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган можаролар, глобал иқлим ўзгаришлари, экологик муаммоларнинг чуқурлашиши ва Ер юзининг аксарият қисмини қамраб олган пандемия чиндан ҳам дунёни батамом ўзгартирди, энг ёмони фуқаролар ҳаётини мураккаблаштирди.

Самарқанд саммити шу маънода ҳам 14 давлат раҳбарларини ягона мақсад сари бирлаштириб, ШҲТ доирасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга йўл очиб берди, дейиш мумкин.

Ўзбекистон ШҲТга раислик қилишдек масъулиятли вазифани бажариш давомида асосий эътиборни ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган имкониятларини ишга солиш орқали Ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратганини халқаро экспертлар алоҳида таъкидламоқда. "Ҳар биримиз кучли ва бирдам бўлсаккина ШҲТ кучли бўлади" шиори остида ташкилотни янада кучли ва халқаро ҳамкорлар учун жозибадор бўлишига эришиш борасида ўтказилган йирик тадбирлар доирасида ниҳоятда муҳим масалалар кўрилиб, ўттиздан зиёд концептуал дастур, келишув ва қарорлар ишлаб чиқилишига асос бўлди.

Кўп томонлама фаолиятга асосланган, дунёнинг энг ёш институтларидан бири – Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилотининг асосий мақсад ва вазифалари, жозибадорлиги ҳам унинг фаолияти асосини ташкил этадиган тамойилларда баён этилган. Шу жиҳатдан, Самарқанд саммитини том маънода сиёсий, ҳуқуқий ва самарали халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи тарихий воқеа дейиш мумкин.

Саммит доирасида Афғонистондаги минтақавий жараёнларга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги тобора жадаллашиб бораётган иқтисодий-ижтимоий ҳолатларга бефарқ қарамаган ҳолда барча ШҲТ давлатларини айни шу масалага кенг жалб этиш Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотдаги яна бир устувор ёндашуви бўлди. Яъни, саммитда барча бирлашган ҳолда, Афғонистонга биргаликда ёрдам кўрсатиш, мамлакатнинг минтақавий ва глобал тараққиёт жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашиш ва шу орқали ушбу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қулай шароит яратиб берилиши лозимлиги таъкидланди.

Бугун ШҲТга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан ошади. Ер юзи аҳолисининг деярли ярми истиқомат қилаётган улкан ҳудудни қамраб олган мазкур ташкилот ўтган йиллар мобайнида сайёрамизда барқарорликни таъминлашга жуда катта ҳисса қўшди.

Кейинги йилларда ШҲТ фаолиятига қўшилиш истагидаги давлатлар сони ортиб бораётгани сабаби ҳам шунда. Бу тенденция халқаро ва минтақавий муносабатлар тизими трансформация жараёнини бошидан кечираётган бугунги шароитда яққол кўзга ташланмоқда.

Шундай экан, Ўзбекистон Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олиб, ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган имкониятларини ишга солишга бирламчи эътибор қаратдики, буни дунё тан олган сиёсатчилар ҳам эътироф этмоқда.

✔ Маънавият

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ДУНЁСИГА САЙР

Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида ижодкорларга ўрнатилган ҳайкаллар пойида адабий тадбирлар ўтказилиши анъана тусига кирган.

Ана шундай тадбирлардан бири Абдулла Авлоний ҳайкали пойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан уюштирилди.

Унда факультет декани Омилхон Исмоилов ёшларга Абдулла Авлонийнинг қолдирган бой маънавий мероси, унинг ўзбек адабиётидаги ўрни, навқирон авлод камолотидаги тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритди. Университетда адиб ижодини чуқур ўрганиш, кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталди. Бўлғуси педагогларга Авлоний асарларини кўпроқ мутолаа қилиш лозимлиги ҳақида таъкидлади.

– Мактаб дарслигида Абдулла Авлоний ижодини севиб ўқиганмиз, – деди талаба Саодат Хурсандова. – "Абдулла Авлоний дунёсига сайр" номли тадбирда адиб ижоди билан янада яқиндан танишдик. Университетда адиб ҳаёти ва ижодига бағишлаб тадбирлар ўтказилиши, турли танловларда иштирок этишга ҳаракат қиламан.

Ҳайкал пойида адиб ижодидан намуналар келтирилди. Талаба-ёшлар иштирокида мушоира уюштирилди.

Д.МАМАТОВА, ЎзА мухбири

✔ Кутинг!

Milliy Tiklanish
ижтимоий-сиёсий газетаси

Чоршанба
21 сентябрь, 2022 йил
№32 (1181)

Тошкент шаҳри бўйича 947 581 та дарахт хатловдан ўтказилган. Энг ёмони шундан 4729 та дарахт қуриб қолган.

МОРАТОРИЙГА РАҒБАТМИ?

ҚАРАМАЙ, «ТУЗАЛГАН»ГА ҲАМ, «ТУЗАЛМАГАН»ГА ҲАМ БИР ХИЛ

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида фракция раҳбари Алишер Қодиров тарихий муҳим воқелик – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти анжумани якунларига тўхталиб, бугунги кунда дунёда жуда ҳам мураккаб муҳит шаклланган бир пайтда Самарқанд саммити «Самарқанд руҳи» деган бир ибора билан дунёга тинчлик ва муҳокама муҳитини яратиб берганини таъкидлади. Самарқанд саммитининг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, бу ерда ҳатто зиддиятга бориб турган айрим давлат раҳбарлари ҳам юзма-юз кўришиб, ўзаро муаммоларни ҳал қилишга эришдилар, шу маънода, саммит глобал ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларни ечиш учун мулоқот майдони яратиб бера олди.

– Самарқанд анжумани дунёда манфаатлар учун тўқнашаётган кучларга Амир Темур бобомизнинг «Куч – адолатда» деган ҳақиқатини, яъни адолатсиз жамиятда тараққиётга эришиб бўлмаслигини яна бир бор исботлаб берди. Дунёда Ўзбекистоннинг тинчликпарвар, ўзаро манфаатлар ва давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилган ҳолда биргаликда ривожланиш концепцияси устувор бўлиб қолаверади ва Самарқанд саммити тарихга айнан шу концепция билан киргани муҳим аҳамиятга эга, – деди А.Қодиров.

Шундан кейин фракция аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш, тўғри йўлга ўтганларни рағбатлантириш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, бунда жазони ўташ шарт-шароитларини халқаро нормаларга мувофиқлаштиришга доир ишлар эътиборга молик.

Амалдаги нормаларга кўра, маҳкумларнинг қамоқхоналарда ишлаган даври умумий меҳнат стажига қўшилмагани натижасида улар пенсия таъминотига эга бўлмаяпти. Жиноят кодексида маҳкумларни рағбатлантиришга асос бўлувчи мезонлар ҳам аниқ белгиланмаган. Шу ва шу каби камчиликларни бартараф этиш учун ушбу қонун лойиҳаси тайёрланди.

Бошқача айтганда, лойиҳа билан маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини белгиловчи қатъий мезонлар белгиланмоқда, меҳнатга жалб этилган маҳкумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартиби жорий этилиб, улар учун келгусида пенсия олиш имконияти яратилмоқда.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлудахон Хўжаева ушбу қонун лойиҳасига иккинчи ўқишда киритилган ўзгартиришларга тўхталиб, «Миллий тикланиш» фракцияси аъзолари биринчи ўқишдаги муҳокамалар жараёнида фаол иштирок этгани учун миннатдорчилик билдириб, фракция аъзоларининг кўплаб таклифлари лойиҳада акс этганини таъкидлади.

Шундай бўлса-да, фракция аъзоси Жаҳонгир Ширинов қонун лойиҳасида тузалиш йўлига ўтганлар ва ўтмаган маҳкумларни ҳам бирдек рағбатлантириш кўзда тутилганига эътироз билдирди.

– Аслида бундай ўзгаришларни киритишдан мақсад коррупцион ҳолатларни бартараф этиш эди. Тузалиш йўлига ўтмаганларнинг ҳам рағбатлантирилиши яна коррупцияни келтириб чиқармайдими, – деди Ж.Ширинов.

Қонун ташаббускорлари ушбу масалага изоҳ берган бўлсалар-да, депутатлар жавобдан тўла қониқмадилар, дейиш мумкин. Шу боис, депутатлар қонун лойиҳасини қайта таҳрир қилиш шарти билан маъқулладилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни лойиҳаси ҳам қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Маълумки, 2021 йилда дарахтларни кесиш бўйича эълон қилинган мораторий муддатсиз даврга узайтирилган бўлса-да, ўсимликлар дунёсига нисбатан тажовузкор ҳаракатлар ҳамон давом этяпти. Ўтган ой бошида Тошкент шаҳрининг Чилонзор кўчасини кенгайтириш баҳонасида 100 га яқин дарахтга шикаст етказилган бўлса, орадан бир ой ўтар-ўтмас яна шу кўчада 58 та дарахт аёвсиз кесиб ташланди.

Албатта, айбдорлар жазоланди, уларга нисбатан катта миқдорда жарима қўлланилиб, етказилган зарар қопланди. Лекин бу билан дарахт кесиш «акцияси» тўхтамаяпти. Шу боис, бундай ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш, дарахт ва буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесганлик, шикастлантирганлик ёки бошқа жойга кўчириб ўтказганлик учун жарима миқдори оширилмоқда.

Бу борада ишлаб чиқилган қонун лойиҳасига кўра, фуқароларга БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача (амалда 5-10 баравар), мансабдорлар учун 20 бараваригача (амалда 10-15 баравар) миқдорда жарима солиш белгиланмоқда. Агар ушбу ҳолат бир йил ичида такроран содир этилса, жарималар икки бараваргача ошади ёки маъмурий қамоқ жазоси қўлланилади. Шунингдек, дарахтлар ва буталар қиймматбаҳо навларини кесиш, шикастлантириш, йўқ қилинишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган қурилиш лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш мансабдор шахсларга 15 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фракция аъзоси Ўктам Исламов қонун лойиҳасига муносабат билдириб, эндиликда дарахтларнинг кесилишига сабаб бўладиган лойиҳа муаллифларига ҳам жарима белгиланаётганини, аслида кесилганидан кейин эмас, мутлақо бундай лойиҳаларни ишлаб чиқилишини тақиқлаш кераклигини таъкидлади. Унинг айтишича, бу борада ҳануз бўшлик бор. Яъни, экологияга масъул идораларга лойиҳаларнинг барчасини кўриб чиқиш имконияти берилмаган. Аслида табиат билан боғлиқ ҳар қандай лойиҳалар экологлар назоратидан ўтиши керак. Шундан кейин ҳам табиатга зарар етказилса, экологларнинг ўзларига жарима қўллаш лозим.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров бу таклифни қўллаб-қувватлаб, қонун профилактик жиҳатдан кучли бўлиши кераклигини, кессанг «отнинг калласидек» жарима тўлайсан, деган шарт аниқ кўрсатилиши кераклигини қайд этди.

Қонун ижодкорларининг маълум қилишича, агар иложсиз дарахтларни кесиш зарурати туғилса, экологлар томонидан дарахтларни кесиш ёки кўчириш зарурати кўриб чиқилади. Белгиланган тартибга кўра, агар дарахтларни кўчиришнинг иложи бўлмаса, мораторий эълон қилинган ҳар қандай дарахт Президент қарори билан кесилади. Ноқонуний кесилган ҳар бир дарахт учун 100 туп, қонуний кесилган дарахт учун эса 10 туп кўчат ўтқазилади.

Намангандан сайланган депутат Абдумалик Акрамов эса қонун лойиҳасига нафақат дарахтларни кесганларга, лойиҳа қилганларга, балки дарахтларга атайин ишлов бермаган, суғормаган, қаровсиз қолдирганларга ҳам молиявий санкциялар қўллаш нормасини киритишни таклиф қилди.

– Кейинги йилларда дарахтларга атайлаб ишлов бермай, турли йўллар билан қуритиш ҳолатлари ҳам кўпаймоқда, – деди депутат.

Шунингдек, депутатлар яна қаерда қанча, қанақа ва неча ёшдаги дарахтлар борлиги бўйича аниқ ҳисоб-китоб йўқлигини танқид қилди. Дарахтларга ўз вақтида ишлов бермаётган Ободонлаштириш идораларига ҳам жарима қўллашни таклиф қилди.

Масъуллар бу борада ишлар бошланганини, ҳозирда Тошкент шаҳри бўйича 947 581 та дарахт хатловдан ўтганини маълум қилишди. Энг ёмони шундан 4729 та дарахт қуриб қолган. Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг яшиллик даражаси 29,7 фоизни ташкил қилмоқда.

Қизғин муҳокамалардан кейин ушбу қонун лойиҳаси ҳам маъқулланди. Йиғилишда кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

> Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг яшиллик даражаси **29,7** фоизни ташкил қилмоқда.

✓ Блогер минбари

ЭНДИ РЕКЛАМАЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА БЕРИЛИШИ ШАРТ!

Бошқа хорижий тилларда ҳам берса бўлади, фақат бунинг ўзига хос шартлари бор...

«Реклама тўғрисида»ги қонуннинг (https://lex.uz/docs/6052631) янги таҳрири кучга кирганига роппа-роса 10 кун бўлди. Демак, бу янги талаблар аллақачон кучга кирди, деганидир.

Шундай талаблардан бири – Ўзбекистон ҳудудида реклама давлат тилида, яъни ўзбек тилида тарқатилиши кераклиги.

Бу ҳақда бир ой аввал Шаҳноза Соатова ўз телеграм каналида ёзиб, (https://t.me/shahnozxon/2536) масъул ташкилотлардан ушбу талабни назорат қилиш, тадбиркорларга тушунтириш ва уларни тайёрлаш лозимлигини таъкидлаган эди.

Аммо ушбу ҚОНУНИЙ ва МАНТИҚИЙ талаб қутилмаганда (аслида қутилганда) провокацияга учради. Яъни, Ўзбекистонда бошқа тиллардаги рекламаларга тақиқ қўйилди, деган овоза тарқатилиб, негадир Шаҳноза Соатовага роса маломат қилинди. Бу эса аслида мавжуд вазиятни мутлақо нотўғри талқин қилиш эди.

Биринчидан, Ўзбекистонда давлат тили мақомига эга икки тил бор. Асосийси ўзбек тили – бутун республика ҳудудида, иккинчиси қорақалпоқ тили — Қорақалпоғистон ҳудудида. Тамом, бошқа бирорта тилга устунлик ва расмий мақом берилмаган. Буни провокация қилаётганлар унутиб қўймасликлари керак.

Иккинчидан, янги қонун талабларига кўра, бошқа тилларда ҳам бемалол реклама тарқатса бўлади. Фақат бир маълум шартларга риоя қилиниши керак. Бутунлай тақиқланди, деб пашшадан фил ясаш нотўғри.

Бошқа тилларда реклама беришнинг қандай шартлари бор?

«Реклама тўғрисида»ги қонуннинг (https://lex.uz/docs/6052631) 6-моддасига биноан, реклама мазмунининг таржимаси қуйидаги ҳолларда бошқа тилларда такрор берилиши мумкин:

1. Рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси унинг ўзбек тилидаги асосий маъносини бузиб кўрсатмаслиги керак;

2. Ташқи рекламадаги бошқа тиллардаги реклама матни ўзбек тилидаги реклама матнининг пастки қисмида горизонтал ҳолда жойлаштирилиши ва умумий реклама майдонининг қирқ фоизидан ошмаслиги керак;

3. Бошқа тиллардаги реклама матни ҳарфининг ўлчами ўзбек тилидаги реклама матни ҳарфининг ўлчамидан кичик бўлиши керак;

4. Теле- ва радиоканалларда, шунингдек, босма нашрларда тарқатиладиган бошқа тиллардаги реклама ҳар кунги умумий реклама ҳажмининг йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

Эслатма: бу қоидалар фақат чет тилларда эълон қилинадиган ОАВлар (ёки бошқа тиллардаги дастурлар)да жойлаштириладиган рекламага нисбатан татбиқ этилмайди.

Демак, оммавий ахборот воситалари, реклама фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар, шунингдек, тадбиркорлар, ташкилот, корхона ва компаниялар ушбу қоидаларни яхшилаб ўрганиб чиқишлари ва келгуси фаолиятида бунга амал қилишлари керак.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш департаменти ушбу қоидаларга қатъий амал қилиниши бўйича назоратни кучайтириши шарт. Бу ҳам қонунларга, ҳам давлат тилига нисбатан ҳурмат деганидир.

@xushnudbek

Фарҳод АШМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

БОЛАЛАР ЎЛИМИГА БЕФАРҚ ҚАРАШ МУМКИНМИ?

2022 йилнинг 6 ойида болалар иштирокида 596 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, улар оқибатида 97 нафар бола ҳаётдан кўз юмган, 499 та ҳолатда эса иштирокчилар турли тан жароҳатлари олган.
Йўл-транспорт ҳодисаларига асосан тезликни ошириш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик ва зарур инфратузилма, яъни пиёдалар ўтиш жойининг йўқлиги сабаб бўлган.
Таҳлилларда, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг қонун-қоидаларнинг билмаслиги йўл ҳаракати қоидалари, йўллардан ўтиш тартибидан тўла хабардор эмасликлари ҳамда мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш учун махсус жиҳозланган автобурчаклар яратилмаганлиги каби омиллар сабаб бўлаётгани айтилмоқда.
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича ҳар йили йўл транспорт ҳодисаси оқибатида 200 мингдан ортиқ бола ҳаётдан кўз юмади. Айниқса, 10-19 ёшдаги болалар ўлимининг асосий сабабларидан бири йўллардаги фожиали транспорт ҳодисаларидир.
Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларини кескин камайтириш бўйича Корея тажрибасини мисол қилиб келтириш мумкин. Чунки мазкур давлат болаларнинг автоҳалокатдаги ўлими ҳолатларини 1988-2012 йиллар мобайнида 95 фоизга туширишга муваффақ бўлди.
Болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш учун мактаблар яқинидаги йўллар ҳолатини яхшилаш, болалар учун мактаб автобусларининг хавфсиз қатновини таъминлаш, болаларга йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича сифатли таълим бериш, йўл ҳаракати хавфсизлигига ихтисослашган фуқаролик гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ва тегишли қонунчилик базасини мустаҳкамлаш дастурлари шулар жумласидан.
Ушбу давлатда қонунчиликдаги ислоҳотлар натижасида болаларнинг нафақат пиёда сифатидаги ҳуқуқлари, балки уларнинг ҳаракатланиш ҳуқуқлари ҳам кенгроқ ишлаб чиқилган. Оддий пиёда юриш концепциясидан кўра, кўпроқ масалаларни ўз ичига қамраб олувчи норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Мисол учун, «Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонун» (Road Traffic Act), «Йўл-транспорт ҳодисаларини бартараф этишга оид махсус ишлар тўғрисидаги қонун» (Act on Special Cases Concerning the Settlement of Traffic Accidents), «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун» (Traffic Safety Act), «Автотранспорт воситаларини бошқариш тўғрисидаги қонун» (Motor Vehicle Management Act)лар шулар жумласидандир.
Биз ҳам болаларимизга йўлдан ўтиш қоидаларини тўғри тушунтирмас, ўз ҳолича кўчага чиқариб юборишни бас қилмас эканмиз, аччиқ бўлсада, айтиш керак, кўнглимизни хира қиладиган хабарларни ўқишда, ҳамдардлик билдиришда давом этаверамиз.
Керак бўлса, йўл-транспорт ҳодисаси юз беришига сабаб бўладиган ҳар қандай вазиятга шароит яратиб берган, боласини қаровсиз, йўл бўйида назоратсиз ҳаракатланишига йўл қўйиб берган ота-оналар ҳам ҳайдовчилар билан бирдек жавобгарликка тортилишига эришишимиз керак. Зеро, вояга етмаган бола учун масъул шахслар, аввало, ота-оналардир. Ана шу оддий ҳақиқатни унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

ислоҳот

> Дунё бўйича ҳар йили йўл транспорт ҳодисаси окибатида 200 мингдан ортиқ бола ҳаётдан кўз юмади.

БОШ ҚОМУСИМИЗ ХАЛҚЧИЛЛАШЯПТИ...

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Одилжон Тожиевнинг ёзишича, шу кунларда масъул қўмиталар фуқаролардан келиб тушган 150 мингдан ортиқ таклифлар асосида Конституциявий қонун лойиҳасини маромига етказмоқдалар. Қайд этилишича, келиб тушган таклифлар асосида қонун лойиҳасига яна бир қанча янги нормалар киритилиши назарда тутиляпти.
Масалан, Конституциямизнинг 26-моддасига: шахснинг ўз айбини тан олиши унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги билан боғлиқ қисм қўшилмоқда. Бундан ташқари, бир қатор моддаларни ҳам янгилаш, уларга қўшимча нормалар киритиш режалаштирилаётганини ҳам айтиш жоиз.
Жумладан, Конституцияга 37[1]-моддаси киритилмоқда. Унда қуйидаги мазмундаги бандлар бор:
Давлат фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.
Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш учун уларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда қайта тайёрланишини ташкил этади ва рағбатлантиради.
41-модда.
Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг ривожлантирилишини таъминлайди.
Айтиш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг масъул қўмиталари, Конституциявий комиссия аъзолари, экспертлар гуруҳларида халқимиздан келиб тушган ҳар бир таклиф юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Лойиҳага киритилаётган янги нормалар ҳақида хабардор қилиб борамиз.

✓ Нуқтаи назар

ЙЎҚ, У БЕҒОНА ЭМАС!

Бундан уч-тўрт йил аввал Россия етакчиларидан бири нуфузли бир ташкилот раҳбарини танқид қилар экан, мажлис аҳлига қарата, «нима қиламиз энди, у чиндан ҳам қанжиқ, аммо унутмайлик, ўзимизнинг қанжиқ» деган эди...

Ушбу мақолани қоғозга туширяпману, ҳамкасбимиз ҳар қанча хато қилган бўлмасин, унинг бегона эмаслиги, яъни «ўзимизнинг қанжиқ» эканини хаёлимдан чиқара олмадим.

Никита Маккаренко исмли шахснинг кейинги икки йиллик фаолиятини таҳлил қилиб, унинг «Миллий тикланиш» демократик партияси ёки унинг етакчиси Алишер Қодировга нисбатан қандайдир хусумати бор экан-да, деган фикрга келишингиз муқаррар.

Биргина унинг telegram каналида ўтказган сўровларини кузатсангиз ҳам, партияга тааллуқли бўлмаган мавзудаги сўровномаларида, албатта, «Миллий тикланиш» номини тез-тез тилга олиш одатга айланганига гувоҳ бўласиз.

Тўғри, кимдир Маккаренконинг ушбу партия ва унинг етакчисига эътибори юқори эканини кўпроқ сиёсий соҳага ихтисослашгани билан изоҳлаши мумкин. Аммо мавзуга чуқурроқ қаралса, Маккаренко қаламига мансуб бўлган аксарият изоҳларда бошқа бир «нуқта» кўпроқ нишонга олинаётганини сезиш қийин эмас. Бу – партиянинг миллий ўзлик, миллий қадрият ва она тилимизга бўлган эътибори эканини кўриш мумкин.

Ўз «пост»лари билан партия обрўсига путур етказишга уринаётган, партия етакчисининг шаъни ва қадр-қимматини очиқ-ойдин топташни мақсад қилганини кўриб наҳотки, Маккаренко «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида «Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади» деган нормани билмаса, деган фикр ўтди хаёлимдан.

Агар Маккаренко фаолияти хусусида шундай хулоса чиқарилса, бу ўта соддалик бўлар эди. Эътибор беринг: кейинги пайтларда Маккаренконинг иштаҳаси янада очилди. У энди бутун бошли миллий парламент фаолиятига уят сўзлар, ножоиз иборалар билан баҳо бериш, тўрт юз мингдан зиёд аъзоси бўлган партияни, бунинг устига ўн беш мингдан ортиқ вакилларини ўз сафига қабул қилган сиёсий кучга «миллат»чи, «фашист» тамғаларини босишдан ҳам тап тортмаяпти.

Хабарингиз бор, ўтаётган ҳафтада «Миллий тикланиш» раҳбарияти бир ходимини журналист ва блогерлар шаънига ҳақоратли сўзлар билдиргани, хусусан, журналист Илёс Сафаровни ножўя сўзлар билан ҳақорат қилгани учун ишдан бўшатди. Бу воқеа ортидан яна бошқа ходимларга нисбатан ҳам кескин чоралар кўрилди.

Ҳар икки инсонларни яқиндан таниганим учун ҳам уларнинг шахси ва ижодига ҳурматим баланд. Шунинг учун бу воқеани жуда оғир қабул қилганимни айтишим керак.

Чунки ишдан бўшатилган ходим шахсига ҳақоратлар ва таҳдидлар шундан кейин ҳам тинмади. Кимдир ҳатто уни хунук сўзлар билан аташгача борди. Яна бир блогеримиз эса партия биносига келиб, унинг таъзирини бермоқчи бўлганини ҳам маълум қилди. Аммо масалага чуқурроқ қаралса, «Миллий тикланиш» жамоатчилик талаби асосида хатога йўл қўйган ходимидан воз кечгани, партиянинг ҳар қандай масалаларда принципиал йўл тутаётганини, жамоатчилик фикрига қулоқ солаётганини англатмайдими? Бироқ негадир айни шу ҳолатда «блогер гапирса сўз эркинлиги, бошқалар гапирса идора манфаати ҳимоя қилиняпти» қабилида иш тутилгандек таассурот уйғотмоқда.

Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади.

Блогсфера оламида блогер ёки журналист томонидан у ёки бу фуқаро номига минг бора уятсиз, айтиш жоизки, тилга олиш имконсиз бўлган сўзлар айтаётганларга нисбатан нега жим турибмиз?! Нега партия ходимининг қўпол хатосини кўрган, муносабат билдирган ҳамкасбларимиз Маккаренкога келганда унинг «фашист», «миллатчи», «гей» сўзларини кўрмаяптилар?

Маккаренконинг охирги бир ой ичидаги постида эса мамлакат сиёсий тизими очиқ-ойдин мазах қилинаётганини кўрасиз. «Миллий тикланиш» партияси миллатчиликда айбланганини, у «фашистлар партияси» дея ҳақоратланаётгани, партия раҳбари эса куракда турмайдиган сўзлар билан «сийланаётгани»ни қандай баҳолаш мумкин?

Бир тасаввур қилиб кўринг, Маккаренко «Миллий тикланиш»ни эмас, бошқа бир идорани шундай ҳақорат қилса ҳам сукут сақлармидик? Маккаренко тилимиз, динимиз, миллий қадриятларимиз қадрланиши учун том маънода ҳаракат қилаётган А.Қодировни эмас, бошқа бир сиёсий партия раисини Сиз расмларда кўриб тургандек ҳақорат қилса, қандай йўл тутилган бўларди?

Кимдир унинг миллати бошқа, у блогер, у имтиёзларга эга дейиши мумкин. Бу нотўғри, фикр! Маккаренконинг миллати бу ерда рол ўйнамайди. У ўзимизнинг одам, бегона эмас, яъни ўзимиздан чиққан қанжиқ. Шуни унутмайлик, кучи 1-2 миллион сўм ойлигини зўрға оиласига етказиб юрган ходимга етган журналист, блогерларимиз нега шу масалада томошабинлик қилишяпти. Ё бунинг биз билмаган сабаблари борми...

Нима бўлганда ҳам Маккаренконинг бу ҳаракатларидан шундай хулоса чиқариш мумкин: у қўполроқ қилиб айтганда амалдаги қонунларга «тупурмоқда». Бу тупук эса ҳозирча битта партия остонасини кирлашга етяпти. Аммо бу ҳозирча...

Умид АРСЛОНБЕКОВ

> Хорижлик ижодкорларга қарийб 2 млрд. сўм хизмат ҳақи ва гонорар тўланган, қарийб 1,8 млрд. сўмлик авиабилетлар харид қилинган...

ЮЛДУЗЛАР ВИКТОРИНАСИМИ

ЁКИ ШОУ... БАЛКИ ФЕСТИВАЛДИР?!

Ростини айтсам, кино ва кино санъати ҳақида бирор фикр билдиришга юрак бетламай қолди. Чунки хоҳламасанг-да, гап бориб, барибир қандайдир муаммога тақалади. Кейин яна ўша такрорий танқидлар бирин-кетин оқ қоғозга туша бошлайди... Шу боис ҳам куни кеча дабдабали тарзда ташкил этилган «Ипак йўли дурдонаси» 14-Тошкент халқаро кинофестивали ҳақида кўплаб фикрлар туғилган бўлса-да, сукут сақлашга қарор қилгандим.

Аммо ижтимоий тармоқлардаги мулоҳазалар билан танишиб, жамоатчиликнинг барибир ўз фикрини билдиришга эҳтиёж сезаётганига амин бўлдим. Масалан, таниқли журналист ва блогер Шаҳноза Соатованинг қуйидаги фикрлари кино ҳақидаги фикрларимни тўғритиб юборди:

«Қизил йўлак, киноюлдузлар, жанжаллар ва шоу-дастурлар – ҳаммаси яхши, лекин булар барибир фасад. Маҳорат дарслари, кинодарғалар ва юлдузлар билан учрашувлар – булар ҳам муҳим. Бироқ ҳар қандай кинофестивалнинг ўзаги унда намойиш этилган фильмлардир. Икки сафардирки, биз кинофестивал орқали кинодурдоналарини ўзимиз учун кашф этолмаяпмиз. Фақат бир ҳафта ичида суратга олинган қисқа метражлиларнинг эътирофига кўзимиз тушяпти. Тўғри, кимдир фестивал энди тикланди, ҳали ҳаммаси олдинда дейиши мумкин. Бироқ барибир фильмлар ҳам намойиш этилди-ку – 22 мамлакатдан 500 дан ортиқ фильмнинг анонси намойиш қилинганди – улар ҳақида на томошабин ва кинотанқидчиларнинг бир оғиз фикри билдирилмади (фақат миллий «Аёл қисмати» фильми ҳақида биргина томошабин постига кўзим тушди). Назаримда, биз шоу кўрдигу кино кўрмадик – менинг тасаввурим шундай бўлди. Хато бўлса, аввалдан узр сўрайман, ўтказворган бўлсам, шарҳда ҳаволалар беринглар. Мен ўзбек томошабинининг ҳақиқий сифатли фильмлар қандай бўлишини шу фестивалларда кўриши ва диди ўсишини истайман. Тошкент халқаро кинофестивалига эса «юлдузлар викторинаси» ёки «катта шоу»дан кўра баландроқ «мартаба»ларни тилайман».

Шаҳноза Соатова кинофестивал ҳақидаги қарашларини билдирар экан, кўпчилик юртдошларимиз кўнглидан ўтган гапларни лўнда қилиб айтди. Кино соҳаси кузатувчиларидан яна бири эса 25 млрд. сўмлик «масхарабозлик» сарлавҳаси остида ўз фикрларини ёзиб қолдирибди: «Тошкентда бўлиб ўтган халқаро кинофестивалда «Фалон пул»га олиб келинган икки турк актёри ўзбек томошабинларини устидан кулиб кетди. Хуллас, икки туркнинг масхарабозлиги билан ўтган ушбу фестивалнинг бюджети айрим манбаларга кўра, 25 млрд. сўм бўлиб, шундан фестивалнинг тантанали очилиш маросимига 5,7 млрд сўм, ёпилиш маросими тадбирлари учун 4 млрд. сўм ажратилган. Хорижлик ижодкорларга қарийб 2 млрд. сўм хизмат ҳақи ва гонорар тўланган, қарийб 1,8 млрд. сўмлик авиабилетлар харид қилинган... Эссиз шунча пул».

Кинофестивалга сарфланган маблағ ҳақидаги маълумотлар қанчалик ҳақиқатга яқин билмадиму, аммо бу пулга ҳақиқатан ҳам битта яхши кино олса бўлармиди, деган ўй ўтди, хаёлимдан.

Тўғри, балки биз халқаро мақоми берилган «улкан» тадбирнинг «тарихий аҳамияти»ни сезмаётган ёки илғамаётган бўлишимиз мумкин. Бу балки чиндан ҳам ўзбек кинематографиясини ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан ҳамкорлик ўрнатиш учун жуда катта имкониятдир. Балки ҳазрати томошабин ёхуд кино мухлислари эътирозига сабаб бўлган айрим нохуш ҳолатлар юз бермаганида таассуротлар ўзгача бўлармиди? Тан олишимиз керак: ижтимоий тармоқларда кинофестивал ҳақида илиқ фикрлар билдирганлар ҳам учради. Аммо муаллифларнинг аксарияти кино соҳаси вакиллари эканини тан олмай иложи йўқ. Аксарият журналист, блогер ва томошабинлар эса кўпроқ танқидий фикр ва таклифлар беришди.

Хуллас мавзу ҳам, фикрлар ўзани ҳам деярли ўзгаргани йўқ. Токи, соҳа мутасаддилари бу борада аниқ бир мулоҳаза билдириб, бу фестивални ташкил этишдан асосий мақсад ва натижалар ҳақида аниқ фикрлар билдирмагунча мулоҳазаларимиз яна ўша «балки» ва «афсус»лар атрофида айланаверади, шекилли.

Маҳбуба КАРИМОВА,
«Миллий тикланиш» мухбири

✔ Нигоҳ

ИЖОД ДЕНГИЗИДАГИ БИР ТОМЧИ...

Чиройли безатилган саҳна, меҳмонлар учун ҳозирланган қизил йўлак, бирин-кетин йўлакдан ўтаётган меҳмонлар... Бу таърифни ўқиб, гап куни кеча катта дабдаба билан ўтказилган шоҳона кинофестивал ёдингизга тушганига шубҳа йўқ! Аммо Сиз адашдингиз. Гап яқинда Адиблар хиёбонида ана шундай кўтаринки руҳда ўтказилган "Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб" республика кўрик-танлови ҳақида эди.

Таъкидлаш керакки, юртимизда ёш авлоднинг китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида тизимли ишлар олиб бориляпти. Хусусан, болалар адабиётини ривожлантириш орқали ҳам. Бу вазифа эса «Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб» республика кўрик-танловини ўтказиш ва бу йўналишда ишлаётган ёш ижодкорларни рағбатлантириш масаласини ҳам қамраб олади. Қайд этилишича, мазкур танловга қисқа вақт ичида 2000га яқин аризалар келиб тушган ва бир йил давомида юзга яқин ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокчилар томонидан тақдим этилган китобларни ўқиб, баҳолашди. Танловда 3 та ёш тоифаси: 6 ёшгача, 7-11 ёш, 12-18 ёшгача бўлган ёшлар учун яратилган китоб муаллифлари иштирок этиб, асосий ўринлардан ташқари «Энг яхши адабий-бадиий китоб» ва «Энг яхши илмий-оммабоп китоб» номинациялари бўйича ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Бизни қувонтиргани эса мазкур танловнинг 2-ўринига муносиб деб топилган «Жайҳун ва Аланга» номли китоб муаллифи Гулноз Тожибоева партиямизнинг ёш аъзоларидан. У 2021 йил партия ташаббуси билан ўтказилган «Ёшлар келажак драйверлари» I Ёшлар форумида Болалар ва ўсмирлар адабиётини ривожлантиришга доир таклифлари билан иштирок этган. Эътиборлиси, бугунга қадар 10га яқин китоблар ёзган Гулноз Тожибоева ўз китоблари учун расмларни ҳам ўзи чизади. Бундан ташқари, қаҳрамонимизнинг эртаклари «Гулхан», «Тонг юлдузи», «Ғунча», «Класс» каби нуфузли нашрлар ҳамда рус, қозоқ, қирғиз, вьетнам, инглиз, корейс, бенгал, украин, белорус ва бошқа тилларда чиқадиган хорижнинг «Нева», «Камертон» (Россия), «Автограф» (Украина), «Atunis Galaxy Poetry» (Бельгия), «Singh Courier» (Покистон), «DASH» (Англия), «Белая Скала» (Қрим Республикаси), «Дактиль» (Қозоғистон) каби журналларида чоп этилмоқда.

Гулнознинг асарлари жорий йил Франциянинг Париж шаҳрида нашр этилган «La fenktre de Paris» номли Халқаро антологиядан ҳам жой олди. Айни пайтда Гулноз Тожибоева ўзбек болалар адабиёти забардаст ижодкорларининг асарларини рус ва инглиз тилларига таржима қилмоқда. Шу ўринда фаол партиядошимизнинг ёшлар ва болалар учун ҳамиша очиқ ва бепул бўлган, уч тилда – ўзбек (лотин ва кирилл алифбосида), рус ва инглиз тилларида фаолият юритаётган www.muhabbatxon.uz номли адабий сайти муҳаррири эканини ҳам айтишни истардим.

Ишонамизки, доимо изланишда бўлган Гулноз Тожибоева келгусида болалар адабиётига янги йўналиш олиб кириш билан бирга дунё болаларига ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини мутолаа қилиш имкониятини ҳам туҳфа этади.

Наргиза НОМОЗБОЕВА,
партиянинг Хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими етакчи мутахассиси

✔ Глобал муаммо

ЖИДДИЙ ХУЛОСАЛАР

чиқариш вақти келди

Иқлим ўзгаришлари бугун инсоният дуч келаётган энг оғриқли муаммолардан бўлиб, унинг оқибатлари шубҳасиз, келажак авлодлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. БМТ маълумотларига кўра ҳар йили иқлим ўзгаришлари туфайли ўз юртини ташлаб кетаётганлар 21 миллион кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2050 йилга келиб 1.2 миллиардни ташкил этиши тахмин қилиняпти. Бу яқин келажакда шунча одам ўз туғилган жойини йўқотади, деганидир. Аёнки, табиатга етказилаётган бундай зарар нафақат бугунги инсоният, балки келажакда миллионлаб кишиларни яшашга бўлган ҳуқуқларидан ҳам айиради. Хусусан, табиий офатлар, сув тошқинлари, қурғоқчилик омилларидан бири бўлган глобал исиш ҳам жаҳон ҳамжамиятини ташвишга сола бошлади. Биргина, Покистонда рўй бераётган давомли ёмғир ҳамда сув тошқинларининг фожиали оқибатлари ҳам шундан далолат беряпти. Қайд этилишича, покистонликлар охирги ҳафталарда сўнгги 30 йилликдаги энг катта ёғингарчиликни бошдан кечиришди. 19 сентябрь ҳолатига кўра, иқлим ўзгариши билан боғлиқ ҳалокатли ёмғир мамлакатнинг катта қисмини сув остида қолдириб, 1,5 мингга яқин фуқаро ўлимига олиб келган бўлса, 33 миллион киши жиддий зарар кўрган.

Маълумки, Покистон иқтисодиётининг қарийб чорак қисмини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Расмий Покистон таҳлилларига кўра, сув тошқинлари қишлоқ хўжалигига 40 миллиард долларга тенг зарар келтирган. Гарчи Покистон ҳавога кам миқдорда заҳарли газлар чиқарувчи давлатлардан бўлса-да, Хитой, Америка, Россия ва Европа давлатлари чиқарган заҳарли газлар оқибатидан энг кўп жабр кўрган мамлакатга айланди. Нидерландия иқлимни баҳолаш агентлиги таҳлилларига кўра, 2018 йили АҚШ (13%), Хитой (26%), Россия (5%), Ҳиндистон (7%) ва Европа иттифоқига кирувчи давлатлар (8%) томонидан умумий миқдорда дунёнинг 62% иссиқ газлари ҳавога чиқарилган. Бас шундай экан, Халқаро ҳуқуқдаги «Поллутер пайс», яъни «Заҳарловчи тўлайди» тамойилига кўра, айнан ушбу 5 та мамлакат энди иқлим талофатларидан зарар кўрган Покистонга дастлабки гуманитар ёрдам кўрсатиши керак бўлади. Аммо гувоҳи бўлаётганимиздек, кўплаб давлатлар учун жадал иқтисодий ўсиш табиат ва яшилликдан устун бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда Самарқанд шаҳри мезбонлик қилган ШҲТ саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг барча давлат раҳбарларини Покистонга гуманитар ёрдам кўрсатишга чақиргани бежиз эмаслигини таъкидлаш жоиз. Зеро, Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси халқларни иқлим талофатларини камайтиришга ва инсонпарварликка ундаш баробарида била туриб, табиатга зарар етказиш, келажак авлодларга нисбатан адолатсизлик эканига ишора ҳам эди.

Самандар ИСМОИЛОВ,
«Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендияси соҳиби, Лестер университети магистранти (УК)

НАЗИР ТЎРАҚУЛОВ КИМ ЭДИ?

1937 йили собиқ СССРнинг Саудия Арабистонидаги элчиси – ўзбек сиёсатчиси Москвада суд қилиниб, ўлимга маҳкум этилади. Бундан хабар топган Саудия қироли СССР билан дипломатик алоқаларни узади, оқибатда Жиддадаги совет элчихонаси ёпилади...

Октябрь тўнтаришидан кейин ташкил этилган Туркистон АССРда бир қатор юқори лавозимларда ишлаган, кейинчалик қарийб 10 йил СССРнинг Саудия Арабистонидаги элчиси бўлган Назир Тўрақуловнинг ҳаёти кўплаб ватандошларимиз ҳаёти каби фожиали тугайди. Яъни, у ҳам Сталин қатағонларида ноҳақ айбланиб қатл этилади.

Назир Тўрақулов 1892 йилда Қўқон шаҳрида, пахта савдоси билан шуғулланувчи йирик савдогар оиласида туғилган. Бошланғич таълимни Қўқондаги «Жадид» мактабида олган Назир Тўрақулов у ерда Ислом дини асослари билан бирга форс, араб тилларини ҳам ўрганади.

Шундан кейин таҳсилни «рус-тузем» мактабида давом эттириб, рус тилини ўзлаштиради.

Кейин эса руслар томонидан очилган Қўқон тижорат махсус мактабида ўқийди. 1914-1916 йилларда Москва савдо институтининг иқтисодиёт бўлимида таҳсил олади.

Император Николай II нинг 1916 йил 25 июнда «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш ишларига жалб қилиш» ҳақидаги фармони эълон қилинади.

Шундан сўнг 18 ёшли Назир Тўрақулов ҳам мардикорликка олиб кетилади ва у Белоруссияга юборилади.

Назир Тўрақулов рус тилини яхши билгани учун Белоруссияда жойлашган Ғарбий фронт қўмитасида инструктор бўлиб ишлайди ва Минскда «Эркин дала» яширин ташкилотини тузади. Бу ташкилотга урушга қарши ва инқилоб кайфиятида бўлган талабалар ҳамда ўқитувчилар аъзо бўлган эди.

1917 йилда Россияда Февраль революцияси бўлиб ўтади ва император Николай II тахтдан воз кечади. Шундан сўнг Назир Тўрақулов уйга қайтишга қарор қилади.

Ўша пайтда Россияга тобе бўлган ҳудудларда мухторият мақомида миллий давлатчиликни ташкил этиш бошланади. Шу жумладан, Ўрта Осиёда ҳам.

Ўша йили октябрь ойида содир бўлган тўнтаришдан сўнг Назир Тўрақулов Оренбургдан Тошкентга қайтиб келади ва Туркистон автоном совет социалистик республикасининг ишчи ва солдат кенгашида мусулмон депутатлар кенгаши котиби лавозимида ишлай бошлайди.

Бироз вақт ўтиб, Фарғона шаҳар тафтиш комиссияси аъзоси ҳамда халқ таълими бўлими мудири лавозимига тайинланади.

1918 йил октябрда Россия большевиклар коммунистик партиясига аъзо бўлади ва Қизил армиянинг отлиқ бўлинмаси сиёсий бошқарув бошлиғи этиб тайинланади.

Назир Тўрақулов Туркистондаги сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши билан бирга Тошкент ва Қўқонда бир қанча газета ва журналларни ташкил этишда қатнашади.

Жумладан, Халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгашининг «Халқ газетаси», Туркистон компартияси марказий қўмитасининг «Инқилоб» журналини айнан Назир Тўрақулов ташкил этади.

Бундан ташқари, Туркистоннинг турли шаҳарларида чоп этилган ва ҳатто Қошғар, Ғулжа, Волгабўйи ҳудудларигача тарқатилган «Ҳақиқат», «Билим ўчоғи», «Туркман эли», «Ақ жўл» газеталарининг ташкил этилишида қатнашади.

1920 йилда Назир Тўрақулов Туркистон АССР коммунистик партияси марказий қўмитаси котиби, 1921 йил май ойида Туркистон АССР марказий ижро ҳокимияти раиси этиб сайланади.

1920-21 йилларда Туркистон АССР мафкура ишлари бўйича халқ комиссари лавозимида ишлайди. Шу даврда Тошкентда чоп этилган «Иштирокиюн» газетаси бош муҳаррири ҳам бўлади.

1922 йилда Россия большевиклар коммунистик партиясининг Ўрта Осиё ижро комиссияси аъзоси, 1920-1922 йиллар оралиғида Туркистон фронтининг ҳарбий-инқилобий кенгаши аъзоси бўлади.

Назир Тўрақулов юқори лавозимларда ишлаган пайтида Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларини айланиб чиқади ва жойларда совет ҳокимиятини ўрнатишда жонбозлик кўрсатади.

1922 йилда Назир Тўрақулов Москвага чақириб олинади ва Шарқ халқлари марказий босмахонаси раҳбари этиб тайинланади. Шунингдек, бутуниттифоқ шарқшунослари илмий ассоциацияси аъзоси ҳамда Шарқшунослик институти ректори ўринбосари лавозимларида ҳам ишлайди.

Тўрақулов лингвист олим сифатида ўзини кўрсатади ва 50 дан ортиқ тилларда кўплаб илмий-оммабоп, сиёсий, бадиий адабиётларни, ўқув китобларини тузиб чоп эттиради.

1925 йилда ўқитувчиларнинг бутуниттифоқ съездида қатнашган Назир Тўрақулов ҳудудларда миллий мактаблар ташкил этиш, миллий-маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш, қишлоқ жойларида мактаблар қуриш масаласини кўтаради. Унинг таклифлари съездда қабул қилинган резолюцияга киритилади.

Ўша пайтда аксарият маҳаллий коммунист масъуллар большевиклар сафига ўтгач диний эътиқодидан воз кечиб, давлат сиёсатига ҳамоҳанг тарзда даҳрийликни тарғиб қиларди.

Назир Тўрақулов улардан фарқли равишда диний эътиқодидан воз кечмаган, давлат бошқаруви ва Ислом динининг қарамақарши қўйилишига ҳамда даҳрийликнинг тарғиб қилинишига қарши бўлади.

У 20-йилларнинг бошида Туркистон АССР раҳбари бўлиб ишлаган кезда Қурбон ҳайитини нишонлаш учун уч кунни дам олиш этиб белгилаш ҳақида қарор ҳам чиқарганди.

Шунингдек, у расмий дам олиш кунини якшабадан жума кунига кўчириш учун ҳам ҳаракат қилади ва бунинг уддасидан чиқа олмайди.

Назир Тўрақулов СССР таркибида яшаётган туркий халқлар учун лотин алифбосига асосланган ягона алифбонинг қабул қилиниши тарафдорларидан бири бўлади.

У 1926 йилда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган бутуниттифоқ туркологларнинг биринчи съездида ҳам қатнашади. Ана шу ерда туркий халқлар лотин алифбосига асосланган янги алифбога ўтиши ҳақида қарор қабул қилинади.

Назир Тўрақулов ўзбек, рус, қозоқ, татар, турк, араб, форс, француз ва немис тилларини билган.

Назир Тўрақулов 1922 йилда биринчилардан бўлиб русча-ўзбекча иқтисодий-сиёсий луғатини тузиб чоп этиради. Бундан ташқари, 1922 йилда «Туркистон» тарихи асари, 1923 йилда «Туркистон Мухтор Республикаси» асари китоб ҳолида чоп этилган.

1927 йил Ташқи ишлар вазирлиги халқ комиссари (Ҳозирги ташқи ишлар вазири ўша пайтда шундай деб аталган) ўринбосари Лев Карахан Сталинга олиб кирган ҳисоботида Назир Тўрақуловни «Мусулмон дунёсини яхши биладиган, СССРнинг араб дунёсида, жумладан, Ҳижозда талаб қилинадиган мураккаб ва нозик сиёсатини амалга оширишда муносиб кадр» эканлигини билдиради.

> ҚАМОҚҚА ОЛИНГАНИДАН САЛКАМ 3 ОЙ ЎТИБ НАЗИР ТЎРАҚУЛОВ СССР ОЛИЙ СУДИ ҲАРБИЙ КОЛЛЕГИЯСИ ҲУКМИ БИЛАН РСФСР ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ 58-МОДДАСИ 1, 8 ВА 11-ҚИСМЛАРИ БИЛАН АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛИБ, ОТИБ ЎЛДИРИЛАДИ. ЎШАНДА У 45 ЁШДА ЭДИ.

Сталин ТИВ халқ комиссари ўринбосарининг тавсиясини қўллаб-қувватлайди. Компартия марказий қўмитаси сиёсий бюроси йиғилишида СССР ижроия қўмитаси президуми қарори билан татаристонлик Карим Ҳакимов ўрнига Назир Тўрақулов СССРнинг Саудия Арабистонидаги элчиси этиб тайинланади.

1928 йил 3 октябрь куни Назир Тўрақулов Одесса-Жидда йўналиши билан денгиз орқали икки ой деганда Саудия пойтахтига етиб боради. У қабул маросимида қирол Абдулазиз Ол-Сауднинг ўғли, шаҳзода Файсалга ишонч ёрлиғини топширади.

Ўшанда Назир Тўрақулов 36 ёшда бўлган ва бундай ёшда масъулиятли вазифанинг ишоничи топширилгани унинг ниҳоятда билимли ва тажрибали эканидан далолат эди.

Ўтган асрнинг 20-30-йилларида Арабистон яриморолида асосан инглизлар етакчи мавқега эга эди. Ана шундай шароитда Назир Тўрақуловнинг саъй-ҳаракатлари билан Саудия Арабистони ва СССР ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилади.

Элчининг ўзи ҳам қироллик оиласининг яқин дўсти мақомига эришади. Бунда Назир Тўрақуловнинг Ислом арконларини яхши билиши ва бошқа ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ диний эътиқодидан воз кечмагани ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ана шундай ҳолатда Саудия қироли ва қироллик оиласи аъзолари мансабни деб ўз диний эътиқодидан кечмаган Назир Тўрақуловни айрича ҳурмат қилишади. Натижада СССР билан савдо-иқтисодий алоқалар анча яхшиланади.

Бундан ташқари, Тўрақулов нафақат қироллик оиласида, балки Саудияда ишлаётган бошқа элчихоналар ходимлари орасида ҳам яхши обрўга эга бўлади.

1930 йил 16 апрель куни Назир Тўрақулов ташқи ишлар халқ комиссари Максим Литвиновга ёзиб юборган хатида Саудияда уни айрича ҳурмат қилишаётганини айтган.

«Инглизлар билан Яқин Шарқдаги тарихий рақобатимиз бизнинг фойдамизга ҳал бўлди. Саудия Арабистони қироли томонидан ўтказилаётган расмий тадбирларда мен СССР элчиси сифатида сафнинг энг олд қаторидан жой оляпман. Инглиз элчиси Риан иккинчи, Франция элчиси Мегре учинчи, Эрон элчиси Айнол-Молк тўртинчи бўлиб жойлашишяпти», деган эди у хатида.

Назир Тўрақуловнинг саъй-ҳаракатлари билан 1932 йил май ойида Саудия шаҳзодаси Файсал ибн Абдулазиз Ол-Сауд СССРга икки кунлик ташриф билан келади (кейинчалик, 1964 йилдан 1975 йил, вафотигача Файсал ибн Абдулазиз Саудия Арабистони қироли бўлган).

Ўша пайтда ҳали Саудия Арабистонидаги улкан нефть конлари топилмаган ва бу давлатнинг ёқилғига эҳтиёжи бор эди. Ана шундай шароитда 1932 йилда Назир Тўрақуловнинг хизматлари билан Саудия ҳукумати Англия-Голландиянинг «Shell», АҚШнинг «Standard Oil of California» компаниялари таклифларини рад этиб, СССРдаги «Нефтесиндикат» корхонасидан ёқилғи сотиб олиш бўйича шартнома имзолайди.

Орадан бир йил ўтиб, 1933 йилда икки давлат ўртасида соғлиқни сақлаш, илм-фан ва яна бир нечта соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича битимлар тузилади.

Назир Тўрақулов нафақат СССРнинг Саудия билан, балки бошқа араб мамлакатлари билан ҳам дўстона алоқалар ўрнатишига жуда катта ҳисса қўшади. У Саудияда муваффақиятли ишлагани учун ҳам 8 йил давомида СССРнинг бу давлатдаги элчиси бўлиб туради.

Ўтган асрнинг 30-йиллари иккинчи ярмида СССРда мисли кўрилмаган қатағонлар бошланади. Бу қатағонлардан амалда давлат структурасида ишлаб келаётган жуда кам одам омон қолади. Қолган барча қамалади ёки ўлимга маҳкум этилади. Шу жумладан, Назир Тўрақуловнинг ҳаёти ҳам аянчли кечади.

1936 йилда Назир Тўрақуловни тўсатдан Москвага чақириб олишади ва ўрнига Карим Ҳакимовни СССРнинг Саудиядаги элчиси этиб тайинлашади. Назир Тўрақулов Москвадаги аввалги иш жойи – Шарқшунослик институтида ишлай бошлайди.

Ана шу даврда НКВД бошлиғи Николай Ежов томонидан СССРда Қизил террор бошлаб юборилган эди. Ҳар куни иттифоқ бўйлаб кўплаб одамлар ҳибсга олиниб, узоқ йилларга қамалар ёки отиб ташланарди.

1937 йилда Назир Тўрақуловнинг боши узра қора булутлар айлана бошлайди. 1937 йил 15 июль куни у ҳибсга олинади. Назир Тўрақулов панисломизм, пантуркизм ва ватанга хиёнат қилишда айбланади.

Ўша пайтда нафақат Назир Тўрақуловнинг, шунингдек, бошқаларнинг ҳам ватанга хиёнат қилмагани аниқ эди. Шунчаки Сталин тузумининг жазо машинаси – НКВД ишга тушган ва у ҳеч кимни аямасдан жазолай бошлаганди.

Қамоққа олинганидан салкам 3 ой ўтиб Назир Тўрақулов СССР олий суди ҳарбий коллегияси ҳукми билан РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 1, 8 ва 11-қисмлари билан айбдор деб топилиб, отиб ўлдирилади. Ўшанда у эндигина 45 ёшга кирганди.

Назир Тўрақуловнинг ўлдирилгани ҳақидаги хабар уни жуда ҳурмат қилган Саудия қироли Абдулазизнинг жаҳлини чиқариб юборади.

Қирол СССРнинг Саудиядаги элчиси Карим Ҳакимовга совет элчиларини ортиқ кўришни хоҳламаслигини ва бу давлат билан барча алоқаларни узганини маълум қилади. Жиддада бўлган элчихона ходимларига мамлакатни тарк этиш талаби қўйилади.

1938 йил март ойида Саудияда жуда катта нефть конлари топилади. Шундан сўнг совет ҳукумати нима қилиб бўлса ҳам бу давлат билан аввалги дўстона алоқаларни тиклашга уринади.

Ўша йили апрель ойида Москвадан Жиддага махсус делегация жўнатилади. Делегация олдига нима қилиб бўлса ҳам Саудия билан алоқаларни тиклаш вазифаси қўйилганди.

Аммо қирол уларни қабул қилишни хоҳламайди ва қироллик оиласининг яқин дўсти бўлган Назир Тўрақулов ўлдирилгани учун СССР билан ортиқ алоқа қилмаслигини узил-кесил маълум қилади.

Ўшангача Жиддадаги элчихона ходимлари Москвага қайтмаган, совет ҳукумати Саудия билан алоқаларни тиклаш масаласида умидини узгани йўқ эди. Қиролнинг қароридан сўнг махсус делегация зиммасига юкланган вазифани бажара олмай Москвага қайтади.

1938 йилда Саудиянинг қатъий талаби билан Жиддадаги совет элчихонаси ёпилади. У ерда бўлган Карим Ҳакимов ва бошқа ходимлар Саудияни тарк этиб, Москвага қайтиб келишади.

Шундан сўнг, Саудия Арабистони узоқ йиллар давомида СССРнинг дипломатик алоқаларни тиклаш ҳақидаги таклифларини рад этиб келади. Ҳатто Сталин вафот этиб, унинг даврида қатағон қилинганлар оқланганда ҳам Саудия СССР билан дипломатик алоқаларни тиклашни хоҳламайди.

Фақат, орадан 52 йил ўтиб, 1990 йилда мамлакатда Михаил Горбачёв томонидан диний эркинлик эълон қилинганига 1 йил бўлганда Саудия Арабистони СССР билан дипломатик алоқаларни қайта тиклайди.

1953 йил Сталин вафотидан сўнг унинг даврида ноҳақ қатағон бўлганларни оқлаш ишлари бошланади. Кўплаб бегуноҳ жазоланганлар қатори, 1958 йил 28 январь куни Назир Тўрақулов ҳам оқланади.

1974 йилда Назир Тўрақуловнинг жияни, акаси Қодир Тўрақуловнинг қизи Саида Тўрақулова саъй-ҳаракатлари билан унинг номи Қўқондаги кўчалардан бирига берилади.

Горбачёв даврига келиб сирлар очила бошлангач, 1990 йилда Назир Тўрақуловнинг қабри Москва вилоятидаги «Коммунарка» деб аталган махсус қабристонда экани аниқланади.

Бу ерда ундан бошқа яна 6,5 минг нафар ноҳақ қатағон қилинган шахслар кўмиб юборилгани маълум бўлади. Ҳозирги пайтга келиб бу қабристонга кўмиб юборилганлардан 4,5 мингтасининг шахси аниқланган, қолганларинки номаълумлигича қолмоқда.

Ғайрат ЙЎЛДОШ тайёрлади.
kun.uz

fb.com/milliytiklanish.gazetasi
t.me/milliy_tiklanish_gazetasi
www.mt.uz
milliytiklanish2022@umail.uz

«Milliy tiklanish»
ижтимоий-сиёсий газетаси
www.mt.uz
№32 (1181)
21 сентябрь 2022 йил, чоршанба

Статистика

20 ВА УНДАН КИЧИК ЁШДА ФАРЗАНДЛИ БЎЛГАН АЁЛЛАР

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-июль ойларида Ўзбекистон Республикасида 20 ва ундан кичик ёшда фарзандли бўлган аёллар 46 173 нафарни ташкил этган.

Ҳудудлар кесимида қайд этилган 20 ва ундан кичик ёшда биринчи марта фарзандли бўлган аёллар сони қуйидагича:

- Қорақалпоғистон Р. – 1 403 нафар
- Андижон вилояти – 4 941 нафар
- Бухоро вилояти – 2 070 нафар
- Жиззах вилояти – 1 608 нафар
- Қашқадарё вилояти – 4 323 нафар
- Навоий вилояти – 990 нафар
- Наманган вилояти – 4 647 нафар
- Самарқанд вилояти – 7 282 нафар
- Сурхондарё вилояти – 3 702 нафар
- Сирдарё вилояти – 1 010 нафар
- Тошкент вилояти – 3 387 нафар
- Фарғона вилояти – 6 307 нафар
- Хоразм вилояти – 1 289 нафар
- Тошкент шаҳри – 3 214 нафар.

Иқбол МИРЗО

Айтгил, дўстим

Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун,
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади?
Дон ахтарган гўштхўрларга ем бўлади.
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан?
Қачонгача кўкдан чалпак кутадирсан?
Ахир Ватан битта, сен ҳам биттадирсан,
Айтгил, дўстим, нима қилдик ватан учун?

Бунча бино қўйма заррин чопонларга,
Саратонда ялпоқ бўлгин деҳқонларга,
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,
Ерда қолсанг, офтоб бўлиб кулмагайсан.
Қачон белни маҳкам тортиб боғлагайсан?
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,
Бир бор назар солгин босган изингга сен,
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

АЗОБЛАРИМ

(Набижон акага)

Ҳилол янглиғ очиқ қолди сўроқларим,
Еллар қувнаб-қувнаб титди вароқларим.
Ўйнаб-ўйнаб тўкилдилар ялпоқларим,
Ялпоқларим бирин-кетин кетаверди,
Кетган сари азобларим ортаверди.

Жилға бўлиб етолмадим дарёларга,
Турна бўлиб кетолмадим самоларга,
Карвон бўлиб кўмилмадим сахроларда,
Карвонларим турнақатор ўтаверди,
Ўтган сари азобларим ортаверди.

Чанг тегмаган гул кўрмадим гулзорларда,
Бир покиза дил кўрмадим дилдорларда,
Бу дилдорлар қатор туриб бозорларда
Кўнгилларин матоҳ каби тутаверди,
Тутган сари азобларим ортаверди.

Ота уйим эшигида чим бўлмадим,
Сўритокни боғлаган бир сим бўлмадим,
Биродарлар, ким бўлдим мен, ким бўлмадим?
Онам юзим унутса-да кутаверди,
Кутган сари азобларим ортаверди.

Энди, айтинг, мен қарими, отам қари?
Мен отамдан кўра сўнгги йўлга қарийб.
Дилим ўлди фожиамдан шеър ахтариб,
Пешонамга ҳаёт шеърлар битаверди,
Битган сари азобларим ортаверди.

ОНАЖОН

Гоҳо сизнинг борлигингиз унутдим,
Йўлларимда зорлигингиз унутдим.
Умидлари кесилган бу дунёда
Ёлғиз умидворлигингиз унутдим.
Ғаниматим, омонатим – онажон.

Ошно топдим, валекин дўст топмадим,
Оққўнгилли бир қоракўз топмадим.
Шамолларга совурдим гул сўзларни,
Лекин Сизга бир ширин сўз топмадим.
Ғаниматим, омонатим – онажон.

Баъзан фалак менга бағритош келди,
Ишонганим ғанимга йўлдош келди.
Омад кетса, ҳамма кулди устимдан,
Фақат Сизнинг кўзингизга ёш келди.
Ғаниматим, омонатим – онажон.

Фурсат ўтиб, сочга қиров қўнаркан,
Севги оташлари аста сўнаркан.
Барча туйғу алдамчи ва ўткинчи,
Она меҳри ёлғиз собит қоларкан.
Ғаниматим, омонатим – онажон.

Ҳоки пойингизни кўзимга сурай,
Ўзим ярим кўнглингизни тўлдирай.
Бир чеккага суриб қўйиб дунёни,
Ўғил бўлиб, ёнингизда ўлтирай.
Ғаниматим, омонатим – онажон.

ДЕРАЗА ПАРДАСИ

Дераза пардаси елкандай шишди,
Яна сени ўйлаб кўнглим увишди.
Сени олиб кетди қайси дарёлар?
Ҳамроҳинг бўлдилар қандай саболар?

Хонамга настарин бўйи бўйлади,
Сочлари райҳоним, сени ўйладим.
Бўйинг тўкилдими олис боғларга?
Кўнглинг кўникдими қарға, зоғларга?

Каптарлар бир-бирин суйиб ўпишди,
Хаёлим сен томон қуш бўлиб учди.
Сен нечун кетдинг, мен нечун кетказдим?
Қанотимга ўзим шикаст етказдим.

Дераза рахига бошимни қўйиб,
Ўйладим, ёмғирсиз ўтдими тўйинг?
Йиғламадим, фақат хўрсиндим холос,
Боладек жимгина ўксиндим холос.

✔ Ибрат

«ҲАМИША ШУНДАЙ БЎЛАВЕРМАЙДИ»

Кўчада сайр қилиб юрган бир киши йўлнинг четида ўтирган кекса мўйсафиднинг қаршисига келиб, мурожаат қилди:

– Отахон, улуғ ёшли инсон экансиз. Шубҳасиз, жуда доно бўлсангиз керак. Айтинг-чи, мана, мен ёш ва кучлиман-у, аммо ҳеч қаердан иш топа олмаяпман, ўғлим гиёҳвандликка берилди, қизимни ҳам яхши тарбиялай олмаяпман, аёлим эса кун бўйи уйда ўтирса ҳам ҳеч қаерга қарамайди. Хўш, мен бу вазиятда қандай йўл тутишим керак? Нима қилсам, буларнинг ҳаммасини ўзгартира оламан?

Қария жавоб берди:

– Эшигинг устига кичкинагина тахтача осиб, унга «Ҳамиша шундай бўлавермайди», деб ёзиб қўй.

– Шу холосми? – ҳайрон бўлди эркак.

– Шу холос, – жавоб қилди кекса киши.

У уйига бориб, қария айтганидек қилди. Бир қанча вақт ўтгач, унинг ўғли гиёҳвандликни ташлади ва ҳатто қилган иши гуноҳ эканини тан олиб, тавба қила бошлади. Қизи бир ёш йигит билан яхши кўришиб, оила қурди. Аёли ҳам ўзгарди ва рисоладаги бекага айланди. Эркакнинг ўзи эса сердаромад ишга жойлашди.

Кунларнинг бирида у таниш кўчадан ўтиб бораётиб, икки йилча олдин кекса мўйсафидни учратган жойида тўхтади. Қария ҳали ҳам шу ерда ўтирар эди. Эркак унинг олдига яқинлашаркан, машинасидан тушмаган ҳолда, сўз қотди:

– Ҳа, отахон, ҳалиям ўтирибсизми? Мана, кўриб турганингиздек, мен анча нарсага эришдим. Ўғлим гиёҳвандликни ташлади, энди у тақволи йигит, қизим севиб, севилиб турмушга чиқди. Аёлим ҳам яхши рафиқага айланди. Ўзим ишга жойлашдим ва энди ишхонамда мартабали бошлиқман. Сиз эса ҳалиям ўша ондагидек ўтирибсиз, нўноқ чол! Хўш, энди менга нима деб маслаҳат берасиз?

Бу гаплардан қариянинг чеҳраси ўзгармади, аксинча, у суҳбатдошига хотиржам тикилганча, деди:

– Ҳалиги тахтача бор эди-ку, шуни олиб ташламагин...

Русчадан Муҳаббат ШАРИПОВА таржимаси.

Ҳикмат аҳлининг бири бўлмиш мўътабар донишмандга мурожаат қилиб, дунё ҳаётини тавсифлашни сўрашганида у зот мазкур жавобни берган эканлар:

– Дунё ҳаёти — сен ичида бўлган ОНдан иборатдир. Чунки ўтган ўтмиш бўлиб қолади. Ортиқ ҳеч нарсалик бўлолмайсан. Келажагинг эса қандай бўлишини билмайсан. Вақт шундай нарсаки, тун кундузнинг ўлимидан хабар беради. Туннинг бошланиши у куннинг завол топганини билдирувчи бир ишоратдир. Тинимсиз келиб кетган ҳодисалар инсонларни ўзгартиради, эскитади, қаритади. Вақтнинг вазифаси жамоаларни сочиб ташламоқ, сараламоқ ва неъматларни йўқотмоқдан иборатдир. Амал узун, умр қисқа, ҳар нарса эса ёлғиз Аллоҳга қайтади.

Тоҳир МАЛИК

Ажабо!

УЛАР ҚИРИЛИБ КЕТИШИ МУМКИН

Олимлар фикрига кўра, 2050 йилгача Ер юзида айрим ҳайвонлар деярли йўқолиб кетиши, бошқа бир жонзотларнинг эса деярли 40 фоизи йўқ бўлиб кетиши мумкин. Бу ҳақда Live Science портали Янги Зеландиядаги Отаго университети олими Ник Роуленснинг сўзларига асосланиб хабар бермоқда.

– Эҳтимол, турлар глобал миқёсда йўқ бўлиб кетмаслиги мумкин, аммо янги шароитларга мослаша олмайдиганларнинг яшаш жойлари ва сони қисқариши мумкин. Улар функционал жиҳатдан йўқ бўлиб кетади. Ҳозирги инқироз ҳали ўзининг энг юқори чўққисига чиқмаган, аммо у яқинлашмоқда, – дейди Роуленс.

Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг «Қизил китоб»и маълумотларига кўра, айни пайтда 41 мингга яқин тур, яъни барча баҳоланганларнинг деярли учдан бир қисми йўқолиб кетиш хавфи остида. Улар орасида Суматра орангутани (Понго абели), Узоқ Шарқ қоплонлари, Суматра фили, қора каркидон каби кўплаб ҳайвонлар бор.

Энг ёмони ушбу турларнинг аксарияти 2050 йилгача омон қолмаслиги мумкин. Масалан, ёввойи табиатда атиги 70 та Амур леопардлари ва 10 та Калифорния чўчқалари қолган.

Роуленснинг фикрига кўра, инсон фаолияти ана шу турларнинг йўқ бўлиб кетишини жадаллаштираяпти.



Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat		Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 21-sentabr		+34° +21°	ochiq havo	0%
Payshanba 22-sentabr		+35° +22°	ochiq havo	0%
Juma 23-sentabr		+35° +22°	ochiq havo	0%
Shanba 24-sentabr		+35° +23°	ochiq havo	0%
Yakshanba 25-sentabr		+34° +21°	ochiq havo	0%
Dushanba 26-sentabr		+34° +21°	ochiq havo	0%
Seshanba 27-sentabr		+26° +18°	bulutli	0%

Изоҳ сиздан



Ижтимоий саҳифалардан ханда



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОЕВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минҳожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шуҳратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:
Равшан МАҲМУДОВ,
Нафиса РУСТАМОВА
Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Асилбек ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ
Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Адади – 5 057.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 916
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 4:30

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru
ISSN 2010-7714
123456